

**ИНСОН САЛОМАТЛИГИДА СУЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Зухриддин Насибович Бобошев**

*ТДТрУ “Жисмоний тарбия ва спорт”*

*кафедраси доценти.*

[zuhriddinboboshev88@gmail.com](mailto:zuhriddinboboshev88@gmail.com)

**Аннотация:** Сузиш спортининг инсон саломатлигига аҳамияти, ўз навбатида шуғулланиши учун лозим бўлган қоидаларни билиши ва унга амал қилиши ҳақида фикрлар билдирилган. Сузишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари тўғрисида сўз кетган.

**Аннотация:** В статье рассматривается значение плавания для здоровья человека, а также правила, необходимые для занятий и соблюдения их. Рассматриваются положительные и отрицательные стороны плавания.

**Annotation.** The article discusses the importance of swimming for human health, as well as the rules necessary for practicing and following them. The positive and negative aspects of swimming are considered.

**Калит сўзлар:** Сув, сузиш, саломатлик, шамоллаш, хавфсизлик қоидалари, ҳарорат, денгиз, касаллик.

**Ключевые слова:** Вода, плавание, здоровье, простуда, правила безопасности, температура, море, болезнь.

**Key words:** Water, swimming, health, cold, safety rules, temperature, sea, illness.

Сузиш инсонга завқ бағищлайди. Айниқса, ёзда кўпчиликнинг мириқиб сузгиси келади. Бунинг учун кимдир маҳсус ҳавзаларни танласа, яна кимдир дарё ёки кўл, оқар сувни хуш кўради. Бироқ сузиш бу фақатгина роҳат олиш дегани эмас, албаттa. Унинг саломатликка фойдали томонлари жудаям қўп. Ўз навбатида, сузиш билан шуғулланиш учун киши билиши, ҳамда амал қилиши лозим бўлган қоидалар ҳам мавжуд. Қуйида шу хақда тўхталиб ўтмоқчиман.

Фойдали томонлари. Мутахассислар сузиш туфайли, аввало, инсон иммунитети мустаҳкамланиб, шамоллаш, ялиғланиш каби хасталикларнинг олди олишини айтишади. Шунингдег, гавда ва қади-қомад тўғри шаклланади. Модда алмашинуви, уйқу ва иштаҳа яхшиланади. Асаб, нафас ва юрак қон-томир тизими ҳамда таянч-ҳаракат аъзолари фаолиятида ижобий томонга ўзгартиради. Ясси оёқлиқнинг олди олинади ва болаларда ирода, ўзига бўлган ишонч ва сабр-тоқат хислатлари шаклланади.

Салбий жиҳатлар ҳам борми? Бор. Кимёвий усул билан тозаланган сувда аллергияга мойил ёки териси қуруқ болаларда аллергик дерматит пайдо бўлиш хавфи мавжуд. Шу билан бирга сузиш болада қулоқ ва тиш оғриғи, тумов, бурун оқиши каби касалликларни қўзғатиши мумкин. Шу боис сузишга қатнашётган болаларда

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

қулоқ оғриғи, тумов каби аломатлар сезилса, машғулотни вақтинга тұхтатиш лозим. У ёки бу касалликдан бутунлай фориғ бўлгандан сўнг ҳам камида икки ҳафта сувга тушмаслик талаб этилади. Касалликдан сўнг сузиш ҳавзасига тушган бола эса сувдан 20-дақиқадан ортиқ сузмаслиги керак.

Кимларга сузиш тақиқланади? Биринчи навбатта, туғма юрак пороги борларга. Шу каби тери касалликларга чалинган, ўткир вирусли инфексия билан заарланган, очик яраси мавжуд, тиришиш (судорога) синдромига ва тана ҳарорати кўтарилишига мойил инсонлар сувда сузиши мумкин эмас. Танани совитиб юборманг! Бу сузиш вақтида тез-тез учраб турадиган ҳолат. Бунга айниқса, саломатлигига муаммоси бор кишилар жиддий эътибор бериши лозим. Денгиз суви танани чучук сувга нисбатан қўпроқ совитиб юборади. Натижада гарчи қуёш чараклаб, жазирама иссиқ бўлишига қарамай, кишини титроқ босади. Бундай пайтда қўл-оёқлар билан фаол ҳаракатланиш ва баданда майда-майда ҳуснбузар (қаттиқ совуқ таъсирида) пайдо бўлгунча сувда қолмаслик талаб этилади. Сувдан чиққач эса артиниб, вақтинга бўлсада-да, кийниб олиш зарур.

Хавфсизлик қоидалари: Ҳавзага келиб ўзингизни дархол сувга ташламанг. Бу томирларни қисилишига олиб келади. Организмни 10-15 дақиқага сувга қўникутириб, сўнг оҳиста сувга кириб сузишни бошланг; ҳаво ҳарорати 23 даражадан паст бўлмаган вақда очик жойда чўмилинг; нотаниш жойларга ҳеч қачон шўнғиманг ва калла ташламанг.

Сувнинг тубида ҳар қандай жисм ёки ҳашоратлар жароҳат етказиб қўйиши мумкин; овқатланиш ва сузиш даври оралиғига эътибор қаратинг.

Бир вақтнинг ўзида ҳам чўмилиш ҳам таммади қилиш қатъиян тақиқланади; сувга спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолатда тушманг. У бош мия томири торайиши ва кенгайишини тўсиб қўяди; қуёшда узоқ тоблангандан кейин ҳам сувга тушиш ёки сакраш тавсия этилмайди. Бу мускулларни қисқатириб, юрак фаолиятининг тўхташига олиб келиши мумкин; нафас йўлларига кириб қолган сувдан қутулиш учун бошни баланд кўтариб қаттиқ йўталиб олиш зарур.

*Мутахассис фикри Алексей Дерлюгов, Сузиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси: ЛОНДОН-2012 Олимпия ўйинлри иштирокчиси: “Сузиш-спорт турлари орасида энг оммавийлардан бири. Бу бежиз эмас. Инсон сувдан пайтда тана гўёки массаж олади, қон айланиши ва асаб тизими фаолияти яхшиланади. Турли усусларда сузиш эса баданни мутаносиб ҳолатда чиниқтириб улғайтиради.”*

Хозир сузиш билан шуғуланиш учун юртимизда этарлича шароитлар, яратилмоқда-замонавий сув ҳавзалари сони қўпаймоқда.

Сузиш айрим касалликларни бартараф этишда жумладан, диск чурраси, касалига чалинган кишиларга катта ёрдам беради. Инсон сувданда унинг танаси сувдаги кислороддан тўйинади. Натижада, танадаги зарали ёғлар парчаланиб ортиқча вазн йуқолади.

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

Қизиқ фактлар; Эрта ёшлигиде сузишни ўрганган болалар ривожланишиниг асосий босқичларини ўз тенгдошларига нисбатан аввалроқ босиб ўтишади, қўпроқ, кенгроқ билим ва қўникмаларни ўзлаштириш имконига эга бўлишади. Қайд этилишича, эрта сузишни ўрганган болалар жисмоний жиҳатдан тезроқ ривожланади, билимларни тез ўзлаштиради, математик масалаларни яхшироқ ҳисоблайдилар. Уларнинг нутқи ҳам яхшироқ ривожланади, яхши ҳисоб-китоб қиласиди.

Америкалик спортчи, эркин-кураш бўйча 1972 йилда ГФРнинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган, ёзги олимпияда ўйинлари ғолиби М.Гейбл айнан ўз спорт фаолиятини илк маротаба сузиш спорт туридан бошлаган ва 14 ёшга фақатгина спортнинг сузиш тури билан мунтазам шуғуланиб келган.

Еркин-кураш бўйича олимпияда ўйинларида ғолиб бўлганининг сабабларидан бирини у шундай изоҳлади; “Мени сузиш ҳавzasига илк маротаба онам б ёшимда олиб келган. Мен эркин курашидай жуда оғир юкламали спорт тури бўйича олимпияда ўйинлари ғолиби бўлишимнинг сабаби - айнан сузишда орттирган чидамлилиқ, жисмоний сифати бўлди” деб таъкидлайди у.

Ха чиндан ҳам у ўзиниг юрак қон-томир тизимини сузиш спорт тури орқали мукаммал даражада чиниқтириб, ривожланган юқори малакали спортчи бўлиб кураш соҳасига ҳам кириб келган эди

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. К.Б.Мухаммадиев,Р.Р.Нижевясова “Жисмоний тарбия ва спорт”(Сузиш асослари).Ўқув қўлланма. Тошкент-2020 й.
- 2.З.Н.Бобошев, “Жисмоний тарбия ва спорт”(футбол асослари).Ўқув қўлланма. Тошкент “Lesson Press”:2023-180 б.
- 3.К.Б.Мухаммадиев Жисмоний тарбия таълими жараёни самарадорлигини оширишнинг долзарб педагогик муаммолари //“Фан-спортга”. – Тошкент, 2021. 4-сон. –53-56 б.
- 4.З.Н.Бобошев, “Жисмоний тарбия ва спорт” (Миллий ва ҳаракатли ўйинлар орқали футбол элементларини такомиллаштириш).Ўқув қўлланма. Тошкент “Lesson Press”:2024-156 б.